

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar
fanlarning dolzarb
muammolari**

Jild 3, Son 12/1

2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарлов Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳақимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Елмуратов Икматулла Гайбуллаевич</i> ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ БИРИНЧИ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ТАРИХИ (1931-1936 ЙИЛЛАР)	12-18
<i>Qitaybekov Azizbek Kenesbek o'g'li</i> QORAQALPOG'ISTONDA HAVO TRANSPORTINING SHAKLLANISHIDA "DOBROLET" AKSIYADORLIK JAMIYATINING O'RNI	19-23
<i>Nawrizbaeva Nurjamal Qudaybergenovna</i> QORAQALPOQLARNING GILAMCHILIGI BILAN BOG'LIQ VA'ZI MAROSIMLAR	24-29
<i>Сайдуллаев Фаррух Умедулло ўғли</i> МУҲАММАД ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙНИНГ ЭТНОЛОГИК ВА ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ	30-35
<i>Berdiqulov Mirolim Tugalvoyevich</i> ТО'ДА-1 NEOLIT MAKONINING O'ZBEKISTON TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDAGI O'RNI	36-40
<i>Olimjonova Gulida Olimjon qizi</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA DAVLAT VOJXONA XIZMATI ORGANLARI FAOLIYATI ..	41-47
<i>O'ng'alov Lazizbek Amiriddin o'g'li</i> NUROTA TOG' TIZMASINING TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISH TARIXI..	48-53
<i>Rahmonov Faxriddin Shoymardonovich</i> MILLIY DEHQONCHILIK MADANIYATINI ETNO-TARIXIY MANBALARDA AKS ETISHI (JANUBIY O'ZBEKISTON MISOLIDA)	54-58
<i>Tilavboyev Muhammad</i> JIZZAX VOHASIDA OT BILAN BOG'LIQ URF-ODATLAR VA MAROSIMLAR	59-63
<i>To'xtaboyev Xurmatullo Shomirza o'g'li</i> O'ZBEKISTON ILM-FANI RIVOJIDA FARG'ONA DAVLAT UNIVERSITETINING O'RNI (MUSTAQILLIK YILLARI MISOLIDA)	64-68
<i>Рахматиллаев Хасанбой</i> МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ЭТНИК ТАРИХИНИ ЁРИТИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛИ МАСАЛАЛАР ВА УСУЛЛАРГА ДОИР	69-74
<i>Qurbonova Manzila Boqiyevna</i> BUXORO VOHASI MILLIY SHIRINLIKLARI VA ICHIMLIKLARI	75-80
<i>Ravshanova Gulora</i> QASHQADARYO VOHASIDA MUNTAZAM QUROLLI HARAKATLAR TA'MINOTI (XX-asrning 20- yillarida)	81-85
<i>Зарипбаев Уснатдин Оракбаевич</i> ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИ	86-90

<i>Baxronov Abdullo Haydar o'gli</i> O'ZBEKISTONDA TOSH DAVRI ARXELOGIYASINI O'RGANISHDA XALQARO EKSPEDISIYALARINING O'RNI	91-95
<i>Maxmatqulov Jasur Isroil o'g'li</i> GIYOHVANDLIKKA QARSHI KURASH MAVZUSINING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	96-101
<i>Esanova Nilufar</i> O'ZBEKISTON-TURKIYA HAMKORLIGI VA UNING NATIJASI (TO'QIMACHILIK SANOATI MISOLIDA)	102-106
<i>Норбоев Сарвар Қахрамон ўғли</i> АФРОСИЁБДАГИ СЎҒД МУДОФАА ДЕВОРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ (XX АСРНИНГ 50-80-ЙИЛЛАРИ).....	107-111
<i>Эсонов Зиёдбек Юлдашевич</i> ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ	112-117
<i>Tishabayeva Irodaxon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	118-124
<i>To'xtamishева Fotima Musurmonovna</i> MUSTAQILLIK YILLARIDA QASHQADARYO VOHASI KASHTADO'ZLIGIDA O'ZGARISHLAR.....	125-132
<i>Sattorov Nurbek</i> SHIMOLIY BAQTRIYA VA ZARAFSHON MINTAQALARIDA DEHQONCHILIK VA CHORVACHILIK MADANIYATI SOHIBLARI ETNOMADANIY ALOQALARINING O'ZBEK XALQI ETNOGENEZI SHAKLLANISHIDAGI O'RNI	133-138
<i>Hazratov Nurali Burxon ug'li</i> QADIMGI KESH VILOYATI HUDUDIDAGI ARXELOGIK YODGORLIKLARINING O'RGANILISH TARIXIDAN	139-144
<i>Mamatqulov Bekzod Sherzovich</i> O'ZBEKISTONDA GAZ-OLTINGUGURT SANOATINING YUZAGA KELISHI VA UNING RIVOJLANISH TARIXI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	145-149
<i>Berdiyev Jamshid</i> VOHA JOY NOMLARINING SHAKLLANISHIDA ETNONIMLAR VA PATRONIMLARNING TUTGAN O'RNI	150-155
<i>Djurakulov Sherzod Davronovich</i> SAMARQAND VILOYATI HUDUDIDI TOSH DAVRI ARXELOGIYASINING O'RGANILISHI TARIXI	156-161
<i>Қурбанова Дилрабо Шерипбоевна</i> ПАРЛАМЕНТ ТАРИХИ ВА ТАРИХШУНОСЛИГИ	162-172

<i>Зухриддин Болтаевич Жунаев</i> ХОРАЗМДА РЕСПУБЛИКА ТУЗУМИ: ЮТУҚЛАР ВА МУАММОЛАР (1920-1924 йиллар)	173-181
<i>Mamadiev Voxodir Bobojonovich</i> QASHQADARYO MUZEYIDAGI NODIR OSTODON	182-186
<i>Norqo'chqarov Xushvaqt Eshnazarovich</i> AFG'ONISTONDA O'ZBEK TILINING QONUNIY ASOSLANISHI, O'ZBEKLAR IJTIMOYIY-MADANIY HAYOTIDAGI O'RNI (XX ASR – XXI ASR BOSHLARI)	187-197
<i>Ибрагимов Рахмон Зиёдуллаевич</i> ТОШКЕНТ ВОҲАСИ СЎНГГИ БРОНЗА ДАВРИ ТАРИХИ ТИЗИМИДА: ДАФН УДУМИ ВА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ	198-203
<i>Азаматова Гулмира Байирбековна</i> ОДАМ САВДОСИГА УЧРАГАН МИГРАНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАҚИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	204-208
<i>Tishabayeva Iroдахon Rasulovna</i> 1960-1970 YILLARDA O'ZBEKISTONDA MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARI FAOLIYATI	209-215
08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
<i>Ostonokulov Azamat Abdulkarimovich, Inoyatov Mardonbek Mo'min o'g'li</i> DAVLAT SEKTORIDA ICHKI AUDITNING XALQARO STANDARTLARI	216-226
<i>Kurbaniyazov Shaxzodbek Karimovich</i> O'ZBEKISTONDA KORPORATIV BOSHQARUV TASHKILYIY- IQTISODIY MEKANIZMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHNING NAZARIY VA USLUBIY ASOSLARI	227-232
<i>Отабеков Отажон Ғайрат ўғли</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ОПТИМАЛ СОЛИҚ ЮКИ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ МАСАЛАЛАРИ	233-243
<i>Шакирова Фароғат Болтаевна</i> ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ	244-255
<i>Мамбетназаров Бахыт Бисенбаевич</i> ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	256-263
<i>Jumaniyazova Ro'za Quvondiq qizi</i> TURIZM INFRATUZILMASI TUSHUNCHASI VA UNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	264-269
<i>Matniyozov Murodjon Rajabbayevich</i> DESTINATSIYA IMIDJINI SHAKLLANTIRISHDA TURISTLARINING SODIQLIGI VA QONIQLASHINING AHAMIYATI	270-278

<i>Хамидова Зарифа Урол қизи</i> ДАВЛАТ СЕКТОРИДА ИЧКИ АУДИТ ВА ДАВЛАТ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	279-291
<i>Toshaliyeva Saodat Toxirovna</i> KICHIK TADBIRKORLIK TUSHUNCHASI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY MONIYATI	292-296
<i>Худойназаров Фахритдин Хаитович</i> ИБН ХАЛДУННИНГ ИҚТИСОДИЁТГА ТАВСИЯЛАРИ	297-304
<i>Nurullayev Hoshimjon Hamidovich</i> GASTRANOMIYANING TURIZM RIVOJLANISHIDAGI ANAMIYATI	305-313
<i>Кадырова Шарофат Амоновна</i> ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ	314-323
<i>Бегматова Зиёда Захиджановна</i> ДАВЛАТ ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАРИ ТИЗИМИ АСОСИДА КАДРЛАР БАНДЛИГИНИ ВА УЛАРГА ТАЛАБНИ БАҲОЛАШ	324-332
<i>Shafkarov Bakhrom Khudoyberdievich</i> TERRITORIAL FEATURES AND THEIR EFFECTIVE USE IN THE CULTIVATION OF VITICULTURE PRODUCTS	333-340
<i>Masharipova Fazilat Axmedovna</i> OZIQ-OVQAT XAVFSIZLIGINI TA'MINLASHDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING ANAMIYATI	341-348
<i>Мусинов Дилшод Султанович</i> ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГИ ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ОМИЛИ СИФАТИДА	349-359
<i>Шакирова Юлдуз Сайдалиевна</i> ВОПРОСЫ РАЗРАБОТКИ ДОРОЖНОЙ КАРТЫ АКТИВИЗАЦИИ ИННОВАЦИОННЫХ ПРОЦЕССОВ	360-368
<i>Абдивоҳидов Мамуржон Авазхон ўғли</i> РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ МАЗМУНИ, ТАВСИФИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	369-380
<i>To'xtasinova Muxayyo Mirzasultonovna</i> DAVLATNING INNOVATSION TIZIMINI SHAKLLANTIRISH MASALASIGA	381-388
<i>Қурбанова Раҳима Джамшедовна, Мирзаева Ширин Нодировна</i> РОЛЬ ЧЕЛОВЕЧЕСКОГО КАПИТАЛА В СТИМУЛИРОВАНИИ ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	389-403
<i>Набиева Нилуфар Муратовна</i> ОСОБЕННОСТИ КОМПЛЕКСА МАРКЕТИНГОВОГО ПРОДВИЖЕНИЯ КОМПАНИИ В ЦИФРОВОЙ СРЕДЕ	404-416

<i>Safarov Radjabboy Eshmuxammadovich</i> KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISHDA INDIVIDUAL DAROMADGA SOLIQLAR MEKANIZMIDAN SAMARALI FOYDALANISH MASALALARI	417-428
<i>Sharipova Zulayho</i> SANOAT TARMOQLARI KLASSTERLARINI RIVOJLANTIRISH VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH YO'LLARI	429-434
<i>Шарипов Акбар Илхамович</i> ЧАКАНА САВДО КОРХОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҚАМЛИ МАРКЕТИНГНИ РОЛИ	435-440
<i>Хаджаев Хабибулла Сагдуллаевич</i> ОБЪЕКТИВНАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ И ЭКОНОМИЧЕСКАЯ СУЩНОСТЬ АНТИМОНОПОЛЬНОЙ ПОЛИТИКИ В РАЗВИТИИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ	441-447
<i>Хамзайева Дилфуза Самаровна</i> SURXANDARYO VILOYATIDA TURISTIK MAHSULOTLARNI BAHOLASH VA SAMARALI RIVOJLATIRISH IMKONIYATLARI	448-452
<i>Усманова Насиба Акбаржоновна</i> ПУТИ РАЗВИТИЯ МЕНЕДЖМЕНТА В СФЕРЕ УСЛУГ	453-459
<i>Исхакова Сарвар Аюбовна</i> ЦИФРОВАЯ ТРАНСФОРМАЦИЯ И ЕЕ ВЛИЯНИЕ НА ЗАНЯТОСТЬ И КВАЛИФИКАЦИЮ ПЕРСОНАЛА В СФЕРЕ БЫТОВОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ	460-467
<i>Ollanazarov Bekmurod Davlatmurotovich</i> INNOVATSION TADBIRKORLIKNI MOLIYALASHTIRISHDA MUQOBIL MOLIYALASHTIRISH VOSITALARIDAN FOYDALANISH VA UNI TURISTIK XIZMATLAR SOHASIDA QO'LLASH IMKONIYATLARI	468-479
<i>To'uchiyeva Nodira G'ulom qizi</i> OLIY TA'LIMNI BOSHQARISHDAGI INNOVATSIYALAR. CHAT GPT YOHUD SUN'IY INTELLEKT	480-485
<i>Абдурахимова Саида Аҳмаджановна, Адилова Гўзал Абзаловна</i> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ТАҲЛИЛИ	486-494
<i>Maxsudov Sherzod Solijonovich</i> TO'QIMACHILIK SANOATI KORXONALARIDA INVESTITSION MUHIT JOZIBADORLIGINI BOSHQARISHNING ZAMONAVIY TENDENSIYALARI	495-500
<i>Tadjibekova Dilnoza Bakhtiyarovna</i> ENHANCING FINANCIAL RESOURCE FORMATION IN BUSINESSES	501-506
<i>Radjabova Malika Ziyodullayevna</i> AHOLI BANDLIGINI TA'MINLASH ISTIQBOLLARI XUSUSIDA	507-512

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Asraqulova Adiba Nabiyevna</i> ZAMONAVIY DAVRDA IQTISODGA FALSAFIY QARASHLAR	513-520
<i>Жўраев Аҳмад Муҳаммадиевич</i> ТИНЧЛИКПАРВАРЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ	521-530
<i>Гуламова Мавжуда Ташпулатовна</i> АХМАД ЗИЁУДДИН АЛ-КУМУШХОНаВИЙ АСАРЛАРИДА КОМИЛ ИНСОҲ ҲОЯЛАРИНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ	531-538
<i>Abduxolikova Nasiba Alijonovna</i> YOSHLARNING ONLAYN TA'LIM JARAYONIGA TA'SIR ETUVCHI IJOBIIY SALBIY OMILLAR	539-544
<i>Yazdonov Zikirillo Shukurilloevich</i> QALANDARIYLIK VA UNING INSON, JAMIYAT TIZIMIDAGI O'RNI	545-552
<i>Sharipova Barno Salimovna</i> BIOETIK MADANIYATNING RIVOJLANISH BOSQICHLARI VA UNING ZAMONAVIY IMIJI	553-558
<i>Xalikulova Umida Rustamovna</i> AXBOROT MUHITINING OLIY TA'LIMGA TA'SIRI: KONSTRUKTIV VA DESTRUKTIV OMILLAR	559-564
<i>Abbasova Maftuna Subxonovna, Temirova Xurshida</i> OILA VA NIKOH MA'NAVIYATI, OILANI MUSTAHKAMLASH OMILLARI	565-571
<i>Tog'ayev Nodirjon Ergashevich</i> AJDODLARIMIZ BOY ILMIY MEROSINING O'ZBEKISTONDA MA'RIFATLI JAMIYAT QURISH HAMDA YOSHLAR TARBIIYASIDA TUTGAN O'RNI	572-576
<i>Kipchoqov Xomidjon Gulomovich</i> JAVOBGARLIK PRINSIPINI SHAKLLANTIRISH AXLOQSHUNOSLIKNING ASOSIY MASALASI SIFATIDA	577-581
<i>Raximova Rayxon Abdurasulovna</i> ZAMONAVIY OILADA MA'NAVIY-AXLOQIY QADRIYATLARNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMONING NAZARIY VA USLUBIY TAHLILI	582-586
<i>Агзамова Нилюфар Шухратовна</i> "АДАБ АЛЬ-ТАБИБ" КАК ИСТОЧНИК НАЦИОНАЛЬНОЙ БИОЭТИКИ	587-591
<i>Axmadiyev Nuriddin Muxutdinovich</i> INTELLEKTUAL MADANIYAT YOSHLARNING INNOVATSION FAOLLIGINI OSHIRISHNING MUHIM MEZONI SIFATIDA	592-596
<i>Nabiyev Mansur Jamxur o'g'li</i> DEMOKRATIK JAMIYAT TARAQQIYOTIDA IJTIMOIIY G'OYALAR EVOLYUTSIYASI VA MODERNIZATSIIYASI	597-603

<i>Kenjayeva Dilrabo Romanovna, Xaydarova Larisa Sunnatovna</i> GLOBALLASHUV SHAROITIDA MILLIY MADANIYAT SOHASIDAGI O'ZGARISHLARNING O'ZIGA XOS JIHATLARI	604-609
<i>Abduraximova Tursunoy Abduvoxid qizi</i> O'ZBEKISTONDA OLIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASINING FALSAFIY MOHIYATI	610-615
<i>Tagayev Ganisher Xasanovich</i> YOSHLAR ETNOESTETIK DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISHDA BADIY-ESTETIK OMILLARNING O'RNI	616-625
<i>Шоназаров Жамшид Шуҳратович</i> БЕҲБУДИЙ ВА УНИНГ ДАВЛАТЧИЛИК ҲОЯСИ	626-630
<i>Ҳамраев Сирож Абруевич</i> ЖАМИЯТ ЯНГИЛАНИШИ ВА ТАДБИРКОР МАЪНАВИЯТИ	631-637
<i>Nabiyev Bekzod Muxammadumarovich</i> MAFKURAVIY ISHLARNI TASHKIL ETISHDA ZAMONAVIY TARG'IBOT TEXNOLOGIYALARI: O'ZBEKISTON VA XORIY TAJRIBASI	638-642
<i>Hashimova Gulsina Ismoyilovna</i> HARBIY IJTIMOYIY ISH VA HARBIY MADANIYATNING HARBIY XIZMATCHILAR FAROVONLIGINI TA'MINLASHDAGI ROLI	643-648
<i>Karimova Gulnoza Yigitaliyevna</i> AXLOQIY MADANIYAT TUSHUNCHASINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOYIY ZARURIYATI	649-655
<i>Sharipova Kamola Usmonjonovna</i> YANGI O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIKNI TA'MINLASH BO'YICHA ILG'OR XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASINI MILLIY STRATEGIYAGA TRANSFORMASIYALASH ISTIQBOLLARI	656-661

07.00.00- Тарих фанлари

Эсонов Зиёдбек Юлдашевич
Кўқон давлат педагогика институти
Тарих кафедраси катта ўқитувчиси, PhD

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ТЎҚИМАЧИЛИК ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ АНЪАНАЛАРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Фарғона водийси аҳолиси тўқимачилик ҳунармандчилиги анъаналари тарихи ёритилган. Асосий эътибор мазкур минтақа тўқимачилигидаги анъаналарни бир қисми хом-ашё тури ва унга дастлабки ишлов бериш жараёнидаги локал хусусиятлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб беришга қаратилган. Бунда географик шароит ва этник анъаналар муҳим ўрин тутиши сабаблари очиб берилган.

Калит сўзлар. Фарғона водийси, тўқимачилик, анъаналар, хом-ашё тури, дастлабки ишлов бериш, пахта, пилла, юнг, локал хусусиятлар, ипни бўйаш, этник анъаналар.

Esonov Ziyodbek Yuldashevich
Kokand State Pedagogical Institute
Senior Lecturer of the Department of History, PhD

FERGANA VALLEY RESIDENTS TEXTILE CRAFT TRADITIONS

Abstract. This article describes the history of the textile craft traditions of the people of the Fergana Valley. The main focus is on showing the textile traditions of this region, which are partly related to the type of raw material and the local characteristics of its initial processing. The reasons why geographical conditions and ethnic traditions play an important role in this are revealed.

Key words. Fergana Valley, textiles, traditions, raw material type, initial processing, cotton, cocoon, wool, local features, dye the thread, ethnic traditions.

Эсонов Зиёдбек Юлдашевич
Кокандской государственной педагогической институт
Старший преподаватель кафедры Истории, PhD

ТРАДИЦИИ ТЕКСТИЛЬНОГО ПРОМЫСЛА НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ

Аннотация. В данной статье описывается история традиций текстильного промысла населения Ферганской долины. Основное внимание уделяется показу текстильных традиций этого региона, которые отчасти связаны с типом сырья и местными особенностями его первичной обработки. Выявляются причины, по которым географические условия и этнические традиции играют эту важную роль.

Ключевые слова. Ферганская долина, текстиль, традиции, тип сырья, предварительная обработка, хлопок, кокон, шерсть, местные особенности, крашения нить, этнические традиции.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I12.1Y2023N19>

Фарғона водийси ҳудудининг ўзига хос жиҳатлари яъни, мўл-кўл табиий ресурслари, салоҳиятли аҳолиси ва кенг кўламдаги этномаданий алоқалари натижасида қадимдан турли ҳунармандчилик тармоқлари, жумладан, тўқимачилик ҳунармандчилиги тараққий этиб келган. Марказий Осиё аҳолиси ҳунармандчиликда асрлар давомида тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш билан боғлиқ турли хил анъаналар юзага келган бўлиб, XIX аср охири – XX аср бошларида ҳам ўлкамиз аҳолиси, хусусан фарғоналиклар бу анъаналардан фойдаланиб келмоқда эди.

Таъкидлаш керакки, ҳунармандчилик маҳсулоти тайёрлашдаги локал ва этник анъаналарнинг этнографик хусусиятлари аввало минтақа аҳолиси фойдаланган хом-ашё тури, унга дастлабки ишлов бериш жараёни, маҳсулотни тайёрлаш хусусиятларида намоён бўлади. Бу масалани айрим жиҳатларини биз тўқимачиликдаги хом-ашё тури ва унга дастлабки ишлов бериш анъаналари мисолида таҳлил қилиб ўтамыз.

XIX аср охири – XX аср бошларида Фарғона водийси аҳолисининг тўқимачилик ҳунармандчилигида маҳсулот тайёрлаш жараёни бир неча босқични ўз ичига олиб, бунда бир қатор этнолокал хусусиятлар юзага келган. Водийдаги ўтроқ ўзбек, тожик ва уйғурлар тўқимачилигида асосан пахта, пилла ва юнг толасидан ип йиғирилган [1:4-6]. Бироқ, водий ўтроқ аҳолиси тўқимачилигида пахта толасидан хом-ашё сифатида фойдаланиш кенг тарқалган эди. Маълумки, мазкур даврда пахта водий қишлоқларидаги деярли ҳар бир хонадонда етиштирилган. Бундан ташқари пахта толасига ишлов бериш махсус малакани талаб этмаган. Фарғона водийсида пахта толасини маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлаш билан хотин-қизлар уй-рўзғор касблари шаклида шуғулланганлар. Маҳаллий ғўза кўсагидан пахта толасини ажратиб олиш водийдаги хотин-қизларнинг алоҳида машғулоти тури бўлиб юзага келган. Буни рус тадқиқотчилари В. Наливкин, М. Наливкиналар ўз асарларида қайд этиб этганлар [7:203-6].

Ғўза кўсагидан ажратиб олинган пахта толаси офтобда қуритилиб чиғир дастгоҳида чигитдан ажратилган. Марказий Осиёнинг турли минтақаларида ўтроқ халқлар фойдаланиб келган чиғир дастгоҳини тузилиши деярли ўхшаш бўлиб, айрим жойларда у ясалган дарахт ёғочи нави ва ҳажми билан баъзи ўзига хосликларга эга бўлган. Чигитдан тозаланган пахта толаси ишлов бериш қулай бўлиши учун қаламча шаклида *пилта* қилиб олинган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, водий жанубидаги тоғли тожиклар қишлоқларида пахта толаси пилта қилишдан аввал уларнинг анъанавий тўқимачилик услубига хос шаклда юнг каби махсус камонча “камунни пояндаги” билан уриб титиб олинган, сўнг 7-8 смдаги қаламча шаклида пилта қилинган [13:217-6].

Фарғона водийси ўтроқ этнослари пилта қилинган пахта ўрамидан чарх дастгоҳида ип йиғирганлар. Мазкур халқларнинг ип йиғириш технологияси, чарх дастгоҳининг тузилиши айрим кичик деталларни ҳисобга олмаганда Марказий Осиёнинг бошқа минтақаларидаги ўтроқ аҳолисининг шундай ускуналари тузилиши билан кўп умумий хусусиятга эга [12:69-6]. Буни тадқиқотчилар берган маълумотлар ва дала тадқиқотларида тўпланган материалларни қиёсий таҳлиллари ҳам тасдиқлайди [2:1-6]. Бунга сабаб ўтроқ халқлар ўртасида доимо ўзаро қизғин иқтисодий ва маданий

алоқалар бўлиб турганлиги билан боғлаш мумкин. Қолаверса, анъанавий тўқимачиликда технологик ўзгаришлар секин ўзгарган бўлиб, кам сонли дастгоҳлар тузилиши деярли модернизацияга учрамаган.

Фарғона водийси ўтроқ аҳоли тўқимачилигида кенг фойдаланиб келинган яна бир хом-ашё тури бу пилла толаси ва ундан йигирилган ипакдан тайёрланган газламалар ҳисобланади. Биламизки, Фарғона водийси Марказий Осиёнинг энг йирик ипак газламалари тайёрланадиган марказларидан бири ҳисобланган. Чунки водийнинг юмшоқ иқлими, аҳолисининг ипакдўзликдаги қадимий анъаналари бунга имкон берган. Жумладан, водийдаги Марғилон, Хўжанд ва Наманган шаҳарларида, шунингдек, водийнинг шимолий ва жанубидаги кўплаб қишлоқларда ипак газламалар тўқиш ривожланган эди [5:40-б]. Водий ипакдўзлари пилладан ип йигиришда ўзига хос анъаналарни қўллаб келганликлари маълум. Чунончи, водий шимолидаги Санг қишлоғи ана шундай анъаналарига эга ипакчилик қишлоғи бўлиб, бу жойда алоҳида пиллакашлик маҳалласи юзага келган. Бу жойдаги пиллакаш аёллар пиллани қайнаб турган қозонга солиб қайнатганлар. Пилла қайноқ сувда юмшаб, ундан тола ажрай бошлаганда *пилликаш* чўпса (чўпса – пилла толаси қайнатилган қозондаги ипни тарқатишда фойдаланиладиган махсус илмоқли чўп) билан 15-20 та пилла толасини тутиб қўл билан енгилгина эшиб *чархчиға* узатган. Чархчи ип учини чарх йигига илаштириб, чархни айлантирган, толалар йигда ип бўлиб эшилган. Бу пайтда пиллакаш ҳам доимо эшилаётган иплар сонини кузатиб турган. Зарур пайтда у чўпса билан янги толалар тортиб эшилаётган ипга қўшиб борган ва ипни бир текис йўғонликда йигирилишига ўз хиссасини қўшган. Йигириш охирида иплар йигдан калавага ўраб олинган [11:33-35-б]. Водий тўқимачилари ипак ипни ўз эҳтиёжи учун ёки буюртма асосида ҳам тайёрлаб келганлар. Чунки аёллар банд бўлган кўп тармоқларда хом-ашёга ишлов бериш, маҳсулот тайёрлаш жараёнида технологик жараёнларни турли босқичларида ёки алоҳида бир қисмида жамоавий тарзда ишлаш шакли хос эди. Чунончи, бунини водий гиламдўзлиги мисолида ҳам кузатиш мумкин эди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, пиллакашлик водийдаги нафақат ўтроқ ўзбек ва тожиклар хўжалигида, балки водий жанубидаги тоғли тожиклар ва шарқдаги айрим уйғур қишлоқларида ҳам ривож топган [15:55-56-б].

Фарғона водийси ўтроқ этнослари хўжалигида юнг толасидан ҳам ип йигирилган. Юнгдан ип йигириш этник анъаналар таъсирида водий жанубидаги тоғли тожик қишлоқларида анъанавий машғулот тури бўлиб ҳисобланган [3:1-б].

Юқорида билдирилган фикрларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, Фарғона водийси ўтроқ халқлари тўқимачилик ҳунармандчилиги анъаналарни юзага келишига, улар фойдаланган хом-ашё тури ва унга боғлиқ ҳолда дастлабки ишлов бериш жараёнидаги юзага келган локал хусусиятлар сабаб бўлган. Ўз навбатида бундай ўзига хосликларни юзага келишида этнос ўрнашган табиий географик муҳит, унинг хўжалик йўналиши, уни асосида вужудга келган этник анъаналари ва этномаданий алоқалари муҳим рол ўйнаган деб кўрсатиш мумкин.

Тўқимачиликда йигирилган ипни маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёрлашнинг яна бир босқичи *ипни бўйаш* бўлган. Бу жараёнда ҳам водий ўтроқ этнослари баъзи ўзига хос анъаналарни ишлаб чиққанлар. Хусусан, табиий бўёқларни минерал таркибига кўра турлича шаклда тайёрлаш, улар ёрдамида ипларни бўйаш технологиясига оид

жараёнларда бундай этнолокал хусусиятлар кузатилишини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Чунончи, ўзбек ва тожик ҳунармандлари ипларни бўяш учун қизил бўёқни асосан *рўяндан*, сариқ бўёқни “испарақдан,” қора бўёқни гулхайри, қора тут меваси ва анор пўчоғидан тайёрлаганлар. Бундай табиий бўёқлар ниҳоятда мустаҳкам, ранги тиниқ, жилокор бўлиб, анъанавий тўқимачиликнинг энг яхши анъаналарини ўзида мужассам этган эди. Тадқиқотчи С. Давлатовани таъкидлашча, ҳақиқатдан маҳаллий газламаларнинг бундай юқори сифатини XIX аср иккинчи ярмида рус олимлари ҳам эътироф этганлар. Бундай газламалар ўзининг ранги ўчмаслиги билан ҳам ажралиб турган.

Тайёрланган табиий бўёқлар асосида ипни бўяшда водийдаги ҳар бир минтақанинг локал анъаналари юзага келган [14:120-б]. Бироқ, баъзи умумий жиҳатлар ҳам бўлган. Чунончи, водийда иплар асосан “иссиқ услуб”да бўялган. Яъни, табиий бўёқлар қайнаган сувда эритилган ва юзага келган бўёқга иплар солиниб белгиланган муддат давомида бўялган. Ипдаги бўёқ мустаҳкамлигини ошириш учун турли қўшимчалар, масалан буғдой уни, ўсимлик ёғи, аччиқтош қўшилган. Ипни хом-ашёси, ранг таркибига кўра иплар иссиқ бўёқда турлича муддатда турган. Хусусан, Марғилон ипакдўзлари ип боғламини бўёқ қозони устидаги таёқчага ўтказиб олган ҳолда бўёқ ичида ипни маълум қисмини ушлаб турган ҳолда, навбати билан ипни қолган қисмини қозонга туширган. Бўялган иплар ҳавода, совуқ сувда совутилган [8:13-б]. Тўқимачиларни билдиришича, бўялган ип оқар сувда чайилса, ундаги бўёқ мустаҳкамлиги ортган.

Таъкидлаш керакки, ипларни кўк рангга бўяш ўлкамизда “совуқ усул” анъанасида амалга ошириб келинган. Чунки, кўк ранг индиго* минералидан тайёрланиб, у ўлкамизга четдан келтирилган. Бу иш билан водийда кўпроқ яхудийлар шуғулланганлар [10:118-б]. Чунки маҳаллий аҳоли орасида ушбу ранг билан боғлиқ баъзи иримлар юзага келган эди. Ипни индиго билан бўяш технологияси Ф.И.Краузенинг ишида батафсил ёритилган [4:203-б]. Рангчилар водийда “рангрези”, кўкка бўёвчилар эса “кўкчи”, бухорода эса “кабудгари” деб номланган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, иплар бўялган ранглар гаммасида ҳам этник жиҳатлар намоён бўлади. Хусусан, водийнинг ўтроқ ўзбек, тожик тўқимачилари кўпроқ кўк, зангори-кўк, пушти-кўк, қора, уйғур тўқимачилари эса жигарранг, кўк, кулранг бўёқлардан кўпроқ фойдаланганлар.

Водий ҳунармандлари ип бўяш анъанасидаги яна бир жиҳат шуки, энг асосий ранглар, яъни яшил, бинафша рангларга бўяш учун бир бўёқ устидан бошқа бўёқ рангини бўяш анъанаси қўлланилган. Чунончи, ипни яшил рангга бўяш учун ип аввал сариқ, сўнг кўк рангга бўялган. Ипни бинафша рангга бўяш учун эса аввал қизилга, сўнгра сариққа бўялган. Оқибатда бу рангдаги иплар туси тиниқ ва ранги мустаҳкам бўлиб чиққан. Бўяш жараёнида бўёқчилар ҳар бир ранг тусини кўз орқали хис этиш қобилияти билан аниқлаганлар. Бунда бир номдаги рангини бир неча хил варианты бўлиши ҳисобга олинган. Бу малака бўёқчиларда узоқ давр мобайнида шаклланиб, отадан-ўғилга мерос бўлиб ўтган. Миллий ҳунармандчилигимиздаги асрий анъаналарни катта бир қисми шубҳасиз ушбу ҳунармандчилик сулолалари меросида ўз ифодасини топган.

Фарғона водийси худудида ипакдан тайёрланувчи атлас, адрас ва шойи газламаларига кўпроқ “абр” усулидаги нақшлар туширилган. “Абр” тожикча “булут” маъносини билдириб, ривоятга кўра бу нақш илк бор сувдаги булут акси ёки ҳовуздаги сув юзасига тўкилган ёғдан жилоланган камалак рангларида нусха олган. Марғилонлик усталар ушбу усулда мато ипларига нақш солишда моҳир бўлганлар. Тўқ кўк фонда оқ рангли безак бериш бу мактабнинг анъанаси ҳисобланган. Нақш солишнинг бундай усули тадқиқотчи П.Небольсин ишида батафсил ёритилган [9:28-6]. Бунда аввал “аврбанд” уста тўқув дастгоҳида тортилган танда ипларни санаб, устига қорабўёқ билан қамиш қаламда нуқталар қўйиб безак нусхасини белгилаб чиққан. Кейин ҳунарманд ипларни рангга бўялиши керак бўлган жойларини очиқ қолдириб, ипни қолган жойларига боғ солган ва ип бўялган. Шу тарзда ип етти марта бўялган. Ҳар сафар ип рангга солиниб бўяб олингач, барча боғлар ечилган ва қурилган ва навбатдаги жараёнга киришилган.

Водийлик ҳунармандлар боғ боғлаганда кичик айлана тармоқланган боғ йўлларида “кўчқаршоҳ” нақшини кўп туширганлар. Водий адрасларининг яна бир характерли жиҳати безакларда овал шакллар устунлик қилади [6:95-6]. Нақшлар геометрик, зооморф, ислимий характерда бўлиб, кўп геометрик шакллар асосий мазмунни беркитиб турувчи мажозий шакллар ҳисобланади. Масалан, ромб инсон юзи, айлана ва оваллар қадимий элементлар қуёш, ой шаклидир. Кейинги даврда бўлса нақшлар аввалги мазмунини йўқотган. Уларни усталар энди патнис, ноғора деб номлай бошлаганлар.

XIX асрнинг 90-йилларидан эътиборан маҳаллий тўқувчиликда табиий бўёқлардан фойдаланиш камая бошлади. Негаки, ҳунарманчиликда табиий бўёқлар ўрнига фабриканинг анилин бўёқларидан фойдаланилишга ўтила бошланди.

Натижада миллий матоларнинг аввалги сифати ёмонлашган. Бироқ маҳаллий тўқимачилик ўзининг асрий анъаналарини бутунлай йўқотмаган. Ушбу анъаналар ҳунармандчилик сулоалари ёрдамида аждодлардан авлодларга мерос ўтган.

Демак, Фарғона водийси маҳаллий усталар ипларни турли рангларга бўяшда ўз мактаби анъаналарини яратганлар. Бу анъаналар ранглар хом-ашёси ва ранглар таркиби, ипни бўяш усули ва газлама безакларида ўз аксини топган. Бир сўз билан айтганда, Фарғона водийси ўтроқ этнослари тўқимачилик ҳунармандчилигида хом-ашёнинг тури ва унга дастлабки ишлов бериш жараёнида бир қанча маҳаллий этнографик хусусиятлар намоён бўлади. Бу жиҳат хом-ашё турига кўра унга дастлабки ишловдаги турли технологик босқичларда акс этади. Бу хусусиятларни изчил тадқиқ этилиши, Фарғона водийси ҳунармандчилиги, қолаверса ватанимиз тарихи этнологияси муаммоларини янада батафсилроқ ўрганилишини таъминлайди деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Гаврилов М.Ф. Ткацкое искусство узбекской женщины с Мулябод. // Народное хозяйство Средней Азии. – Т.: 1927. №1-2. – С.4.
2. Дала ёзувлари Фарғона вилояти Бешариқ тумани Бешариқ қишлоғи 2009 й.
3. Дала ёзувлари Фарғона вилояти Фарғона тумани Каптархона қишлоғи . 2009 й.

4. Краузе Ф.И. Заметки о красильном искусстве туземцев.// В сб. Русский Туркестан. Вып. II. – М.: 1872. – С.203.
5. Курбонгалиева Р. Быт и культура рабочих узбеков шелковой промышленности города Маргилана. – Т.: 1966. – С.40.
6. Махкамова С.М. Абровые ткани Узбекистана кон. XIX нач. -XX в. – Т.: 1970. Дисс. кан.ист. наук. – С.95.
7. Наливкин В. В., Наливкина В. М. Очерки быта женщины туземного оседлого населения Ферганской долины. – Казань, 1886. – С. 203.
8. Наливкин В.П. Туземцы раньше и теперь. – Т.:1913.– С.13.
9. Небольсин П. Очерки торговли со странам Средней Азии. – СПб, 1856. – С.28.
10. Современный кишлак Средней Азии. Выл. VII. –Т.: 1927. – С. 118.
11. Сухарова О.А., Бекжанова К. Прошлое и настоящие селений Айкиран. – Т.:1955. – С.33-35.
12. Сухарева О.А. Пезднефеодальный город Бухара. в кон. XIX нач. XX в. – Т.: 1962. – С. 69.
13. Таджики Дарваза и Каратегина. – М.: 1966. – С.217.
14. Туркестанский Ведомости.// 1872. №35. Заметка о красильнах веществих. – С.120.
15. Хозяйства сартов Ферганской области. – Т. 1909 г. – С.55-56.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 12/1 (3) – 2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).